

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Fil.01.10  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОЛИБЕКОВА МАВЖУДА МАРДИЕВНА**

**КЕСИМ ВА ГАПНИНГ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ  
ЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philological Sciences**

**Болибекова Мавжуда Мардиевна**

Кесим ва гапнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги лингвистик талқини 3

**Болибекова Мавжуда Мардиевна**

Лингвистическая интерпретация сказуемого и предложения в  
узбекском и английском языках ..... 23

**Bolibekova Mavjuda Mardievna**

Linguistic Interpretation of Predicate and Sentence in the Uzbek and  
English Languages ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of Published Works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Fil.01.10  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОЛИБЕКОВА МАВЖУДА МАРДИЕВНА**

**КЕСИМ ВА ГАПНИНГ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ  
ЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.2.PhD/Fil150 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Джумабаева Жамила Шариповна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Хошимов Ғанижон Мирзахмедович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Раупова Лайло Рахимовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат чет тиллар институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-53-21, факс (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети Бош ўқув биноси (1- қават 108-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Шереметьева**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.,  
профессор

**Ш.О. Назирова**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**И.А. Сиддикова**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор в.б.

## **КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида муайян бир тилдаги тил бирликлари ва уларнинг грамматик жиҳатларини тадқиқ этиш фақат шу тил хусусиятларини аниқлашга ёрдам берса, чоғиштириш орқали аниқланган ўзига хос хусусиятлар, лексик, грамматик, семантик жиҳатдан ўхшаш ҳамда фарқли қирраларини қиёсий аспектда аниқлаш имконини беради. Барча тилларда мавжуд бўлган гап, гап бўлаклари ҳамда уларнинг турлари кўп ҳолларда ўхшаш кўринишига қарамадан, ҳар бир тилнинг ички имкониятлари, содда ва қўшма гапларда сўз тартиби ва шунга ўхшаш нозик томонлари мавжудлиги аниқлангани муҳимдир. Бу каби хусусиятларнинг чоғиштирма тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш натижасида олинган хулосалар орқали тил ўқитиш, таржимашунослик каби соҳаларда юзага келган муаммоларга ечим топилиши шубҳасиз.

Дунё халқлари тиллари турли тизимларга хос бўлиб, уларнинг барчасида гап, гап бўлаклари, эга ва кесимнинг ўрни, мавқеи каби масалаларга бағишланган тадқиқот ишларини амалга ошириш давом этмоқда. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бир қанча тилларда, хусусан, инглиз, немис, испан, француз, рус ва бошқа тилларни чоғиштириш натижасида мазкур тиллардаги кесим ва гапнинг ички хусусиятларини очиб бериш имкони туғилади, шунинг баробарида улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни эътиборга олган ҳолда чет тилини ўқитишда методика ва ёндашувларнинг турлича бўлишини тақозо этадиган омилларни аниқлашга эришилади. Гап ва кесимни чуқур тадқиқ этиш орқали нафақат синтактик алоқа ва ўзаро боғлиқлик, балки гап бўлакларининг контекстуал ва прагматик маъно жиҳатлари ҳам аниқланади.

Ўзбекистонда миллий истиқлол туфайли ижтимоий ҳаётда юз бераётган туб ўзгаришлар илм-фаннинг барча йўналишларида бўлганидек, тилшунослик соҳасида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида эътироф этилаётган ўзбек субстанциал тилшунослиги ютуқлари асосида тилларни типологик қиёслаш тамойиллари етарли даражада белгиланмаганлиги бу борадаги ишларнинг алоҳида тадқиқотлар объекти бўлишига имкон беради. Шунини қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси»нинг мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид бўлимининг «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» қисмида таъкидланганидек «...чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш»<sup>1</sup> масаласи кун тартибига қўйилган экан, айнан она тилимиз ва чет тиллардаги грамматик категория ва ҳодисаларни чоғиштириб тадқиқ этиш, улардан олинган натижаларга кўра тил

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони Халқ сўзи, 2017. 8-февраль, №28

Ўқитишдаги янги ёндашувларни жорий қилиш бу каби вазифаларни ўз вақтида бажарилиши заруратини келтириб чиқаради. Мустақиллик йилларида турли тизимли тиллардаги фонетик ва фонологик ҳодисалар, сўз ясалиши ва бирикмалар, сўз туркумлари, гап бўлаклари ва семантик категориялар, стилистик воситаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёритишга бағишланган бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилди. Турли тизимли тилларга хос бўлган ўзбек ва инглиз тилларида кесим, унинг мавқеи ҳамда кесим ва гапга оид лингвистик талқинларни чуқур ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгаллиги билан долзарбдир. Шунингдек, ушбу тадқиқот кесим ва гапнинг ўзбек ва инглиз тилларида алломорфик, изоморфик хусусиятларининг аниқланишига оид хулосалардан тил ўқитишда фойдаланиш муҳим ва зарурлигини исботлашга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил декабрдаги ПҚ1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сонли «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек формал тилшунослигида кесим категорияси А.Сафаев, Б.Эгамбердиев, Ж.Омонтурдиев, Т.Акрамов, Т.Иброҳимов, Ф.Убаева, Ҳ.Болтабоева<sup>2</sup> кабилар томонидан махсус ўрганилган. Бу олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўзбек тилидаги кесим талқинида рус тилшунослиги, рус тили гап курилишидаги кесим масаласига доир назарий қарашларга таянилганлигини кузатиш мумкин.

---

<sup>2</sup>Сафаев А. Главные члены простого предложения в современном узбекском языке. Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Т.:1958. – 26 с; Эгамбердиев Б. Выражение сказуемого в простых предложениях в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс...канд. филол. наук. –Т.: 1965. – 26 с.; Омонтурдиев Ж. Структурные типы сказуемого простого предложения в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Т.: 1965. – 23 б.; Акрамов Т. Именное сказуемое в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс... канд. филол.наук. – Т.: 1967 -26 с.; Иброҳим Т. Гапнинг бош бўлаклари. Филол.фанлари номз ... дисс. автореф. – Т.: 1943.-24 б.; Убаева Ф. Однородные главные члены предложения в современном узбекском литературном языке. Автореф.дисс...канд.филол. наук. Самарканд: 1958.– 16 с.; Болтабоева Ҳ. Обособленные пояснительные члены предложения в современном узбекском языке. Автореф.дисс...канд.филол. наук.– Т.: 1959. –20 с.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида содда гапларда от кесимнинг ифодаланиши Т.Акрамов<sup>3</sup>, ҳозирги ўзбек тилида умумлашган аниқловчи гап бўлақлар эса Ҳ. Болтабоева<sup>4</sup>, ҳозирги замон ўзбек тилида пайт эргаш гаплар А.Маъруфов<sup>2</sup>, гапнинг семантик-синтактик қурилиши қолипи ва пропозитив структураси каби масалалар Д.Лутфуллаева<sup>5</sup>, уюшиқ кесим; унинг зотий (субстанциал) табиати ва гаптаги мавқеини илмий жиҳатдан ўрганилиш муаммоси Б.Ёров<sup>6</sup> каби ўзбек олимлари томонидан чуқур тадқиқ этилган.

Инглиз тилида кесимнинг моҳияти, эга билан бўлган муносабатда кўрилиши, икки асосий типга (глагольное и именное) эгалиги инглиз олимлари F.Ackerman, G.Webeihuth, Rose-Marie Anne Dechaine, L.Stassen, St.Muller, S.Rothstein, рус олимлари В.Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л.Июфик, В.Д.Аракин, Б.А.Ильиш томонидан тадқиқ қилинган бўлса, тузилиши жиҳатидан эса содда ва таркибли кесимга бўлиниши тилшунослар Л.П.Винокурова, Е.Н.Зверева ва И.Г.Эбер томонидан тадқиқ қилинган. Инглиз тилида содда ва кўшма кесим Н.А.Кобринна, Е.А.Корнеева, В.Л.Каушанская, Б.А.Ильиш каби олимлар томонидан чуқур ўрганилган. Инглиз тилида кесимларнинг содда ва мураккаблашган турларга бўлиниши ҳақидаги фикрлар Л.С.Бархударов томонидан билдирилган. Тиллараро чоғиштирма тадқиқотлар эса Р.Абдуллаева томонидан олиб борилган бўлиб, у кесимни ўзбек ва рус тиллари материалида қиёслаб ўрганган. Ш.Ашуров эса инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологиясига оид тадқиқот олиб бориб, улардаги бир қатор ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлаган.

Ўзбек ва инглиз тилларида кесимни турли жиҳатдан ўрганишга бағишланган ишларни ва унга нисбатан турлича ёндашувларни кузатиш мумкин. Хусусан, бош бўлақлар синтактик шакл ва тема-рематик<sup>7</sup>, формал<sup>8</sup>, кўшма гап таркибида формал-функционал<sup>9</sup> нуқтаи назаридан маълум даражада тадқиқ этилганлигини эътироф этиш лозим. Бироқ ўзбек субстанциал тилшунослигидаги асосий тушунчалардан бўлган нарсанинг серкирралиги тамойилидан келиб чиқиб, гап маркази ва унинг факультатив ва облигатор кенгайтирувчилари, кенгайтирувчиларнинг гап маркази ва марказнинг кенгайтирувчиларига муносабати нуқтаи назаридан талқини масаласида етарли даражада ишлар амалга оширилмаган. Хусусан, инглиз ва ўзбек тилларида кесим ва гап субстанциал тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган.

<sup>3</sup>Акрамов Т. Именное сказуемое в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Т.: 1967– 26 с.;

<sup>4</sup>Болтабоева Ҳ. Обособленные пояснительные члены предложения в современном узбекском языке. Автореф.дисс...канд.филол. наук.– Т.: 1959. – 20 с.

<sup>2</sup> Маъруфов А. Ҳозирги замон ўзбек тилида пайт эргаш гаплар. Филол. фанлари номз... дисс.автореф.– Т.: 1949 – 26 б.

<sup>5</sup>Лутфуллаева Д. Гапнинг семантик-синтактик қурилиши қолипи ва пропозитив структураси ўртасида муносабат (ўзбек тилидаги йўқлик-мавжудлик белгиси мисолида). Филол.фанлари д-ри...дисс.– Т.: 2006.– 272 б.

<sup>6</sup> Ёров Б. Уюшиқ кесим: унинг зотий (субстанциал) табиати ва гаптаги мавқеи. Филол. фанлари номз ... дисс.– Т.: 2001. – 120 б.

<sup>7</sup>Нурмонов А.Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари// Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1988. - №5. – Б. 22-26.

<sup>8</sup> Ашуров Ш. Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси. Филол.фанлари номз...дисс.автореф. – Т.: 2007. –23 б.

<sup>9</sup>Джумабаева Ж. Мустақиллик даври публицистик асарларидаги кўшма гаплар талқини. Филол. фанлари номз...дисс.автореф. – Т.: 2006. – 24 б.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Турли тизимли тилларнинг чоғиштирма ва типологик хусусиятлари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кесим ҳамда гапнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги формал, субстанциал тилшунослик нуқтаи назаридан талқинини ёритиш ҳамда уларни чоғиштириш орқали изоморф, алломорф жиҳатларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва инглиз тилларининг субстанциал хусусиятларига кўра гап структураси, унинг лисоний ва нутқий таркибини, гап қурилишини марказ тушунчасидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш;

ўзбек ва инглиз тилларидаги кесимнинг мавқеи, таркибий хусусиятларини чоғиштириш;

ўзбек ва инглиз тилларида омонимик номустақил кесим шаклларини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилларида кесим ва гап турларининг алломорф ҳамда изоморф жиҳатларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объектини** ўзбек, инглиз тилларидаги кесим ва гап ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ўзбек ва инглиз тилларида кесим ҳамда гапнинг синтактик, структур, алломорф, изоморф хусусиятларининг тавсифи ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқ усули сифатида чоғиштирма, компонент, трансформацион ва дистрибутив таҳлил методлари хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз тилларида гапнинг таркиби, боғланиши каби синтактик хусусиятлари, кесимнинг қўлланиши, кесим кенгайтирувчилари формал ва субстанциал тилшунослик нуқтаи назаридан чоғиштирилган;

ўзбек ва инглиз тилларида кесимнинг мавқеи, таркиби, содда ва қўшма гапларда қўлланилишига кўра структур, синтактик, субстанциал жиҳатлари очиб берилган;

ўзбек тилидаги мавжуд омонимик номустақил кесим шаклларининг инглиз тилидаайрим сўз шакллари, боғловчилар каби муқобиллари қўлланилиши аниқланган ҳамда мисоллар ёрдамида далилланган;

ўзбек ва инглиз тилларида гапда сўз тартиби, шахс-сон маъносини ифодалашига кўра эганинг қўлланиши каби алломорф ҳамда кесим ва гап турлари, кесимнинг ифодаланиши, кесимлик категориялари каби изоморф жиҳатлари мисоллар таҳлили натижаларига кўра далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли тизимли тилларда кесим, гап турлари ҳамда уларнинг субстанциал моҳиятини аниқлаш бўйича таҳлиллар асосида олинган хулосалар «Инглиз тили қисқача грамматикаси» ўқув қўлланмасида ўз аксини топган;

тилларни қиёсий ўрганиш жараёнида содир бўладиган муаммоларни ечишга хизмат қиладиган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

турли тизимли тилларда кесимнинг мавқеи, кесим ва гапни турли ёндашувлар асосида тадқиқ этилиши орқали олинган натижалар тил ўргатиш амалиётида фойдаланилиши далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Таҳлилга тортилган материаллар ўзбек ва инглиз тиллари табиатидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик пухталиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ва ишончли манбалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, ҳар бир тилнинг субстанциал хусусиятидан келиб чиққан ҳолда гап структурасини, унинг лисоний ва нутқий таркибини тадқиқ қилиш, гап қурилишини марказ тушунчасидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш масалаларида назарий хулосалардан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга турли тизимли тилларда кесимнинг мавқеига оид мулоҳазалар ҳамда кесим ва гап тадқиқи орқали аниқланган илмий хулосалар мазкур тилларнинг синтактик хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг хулосаларидан олий таълим муассасаларининг Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалавриат йўналиши талабаларига «Назарий грамматика», «Қиёсий типология» ва «Таржима назарияси ва амалиёти» фанларини ўқитишда ҳамда Лингвистика (тиллар бўйича) мутахассислигида «Қиёсий тилшунослик» фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар олиб боришда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларида кесим ва гап, уларнинг субстанциал хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Мустақилликдан кейин яратилган ўзбек субстанциал тилшунослиги муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида кесим ва гап, хусусан, ўзбек тилида кесимнинг мавқеи, содда ва қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларда кесимнинг қўлланиши каби масалалар ечимига оид натижалардан «ОТ-Ф8-057 – «Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот грантида фойдаланилган (2007-2011). (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 89-03-1576-сонли маълумотномаси) Мазкур диссертациядан олинган илмий натижалар тил бирликларининг системавий тадқиқ қилиш метод ва методологиясини очиб беришда, ишлаб чиқилган методлар ва методология асосида ҳозирги ўзбек тили сатҳларининг системавий тавсифини яратишда хизмат қилган.

Инглиз тилида кесим ва гап муносабати, кесимнинг қўлланиши, кесим кенгайтирувчиларининг қиёсий таҳлили ҳамда инглиз тилида содда ва қўшма гап турларига оид илмий хулосалари билан боғлиқ натижалари «Инглиз тили

қисқача грамматикаси» (ISB-№ 978-9943-305-03-8) номли ўқув қўлланмасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 84-03-1569-сонли маълумотномаси). Ушбу ўқув қўлланма университетнинг бакалаврият таълим йўналишлари «Хорижий тил» фани бўйича ҳамда магистратура мутахассислигида «Амалий хорижий тил» фани бўйича ўқув курслари учун тайёрланган намунавий фан дастури ва ишчи ўқув дастурларининг «Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари» қисмига киритилган ва ўқув жараёнида кенг фойдаланиб келинмоқда. Ўқув қўлланманинг «Гапнинг бош бўлақлари, эга ва кесимнинг мослашуви, гап типлари» бўлими барча бакалаврият йўналишлари учун «Хорижий тил» фани бўйича намунавий фан дастурининг «3.3. Грамматик компетенция» бўлими мазмунига, магистратура мутахассисликлари учун тайёрланган «Амалий хорижий тил» (нофилологик мутахассисликлар учун) намунавий фан дастурининг «3.3.Грамматик компетенция» бўлими мазмунига сингдирилган.

Инглиз ва ўзбек тилларида кесим, гап турлари ва уларнинг қиёсий ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан 2017-2018 йилларда «ЎзМТРК» телерадиоканалининг «Бедорлик», «Ижод завқи», «Таълим ва тараққиёт», «Инглиз тили сабоқлари» эшиттиришларида мунтазам фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ДУКнинг 2018 йил 4 майдаги О'z\B-s. 80-сонли маълумотномаси). Турли тизимли тилларнинг субстанциал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гап структураси, унинг лисоний ва нутқий таркибини тадқиқ қилиш гап қурилишини марказ тушунчаси нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганиш масалаларига оид амалий тавсиялардан, тиллараро таржима ишларини амалга оширишдаги кесимнинг мавқеига оид назарий хулосалар радиодастурларда кенг оммалаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та ўқув қўлланма, 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 2 таси хорижий журналларда, 16 та мақола ва тезислар, шулардан 5 таси хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференциялар ва илмий мақолалар тўпламида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 141 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси баён қилиниб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек тилшунослигида кесим ва гап талқини ва уларнинг методологик асослари**» деб номланган биринчи бобда методологик асос хусусида сўз юритилган бўлиб, методологиянинг фалсафий нуқтаи назардан қараганда тилшунослик билан боғлиқлиги ҳамда диалектикага оид манбалар, улардан методология бўйича фикрлар батафсил баён этилган. Шунингдек, ўзбек формал тилшунослиги мустақил методологик тамойилларга эга бўлмаган даврлар хусусида ҳам тўхталинган. Ушбу бобда рус формал тилшунослиги таҳлил тамойилларини истаган бир тилда ўз воситалари билан ифодаланган мазмун бошқа тилда ҳам унинг ўз воситалари билан берилиши мумкин бўлганлиги сабабли кўчириш асосида шаклланганлиги, лекин бунда миллийлик, мустақиллик методологик асоснинг битта жиддий белгиси сақланиб қолганлиги хусусида фикрлар билдирилган. Бу Абдурауф Фитрат фанимизга киритган соф лингвистик-грамматик моҳиятли ва ўзбек (туркий) тилининг ўзига хос зотий хусусиятини акс эттирувчи мазкур тадқиқотимизнинг марказий тушунчаси бўлган *кесим* илмий атамасидир – кесим гапни кесади – бир гапни иккинчи гапдан ажратади<sup>10</sup> деган фикрлари ўрганилган. Ваҳоланки, ўша давр сиёсати талабларига кўра русча «сказуемое» ўзбек тилида, тожик<sup>11</sup> ва бошқа миллий тилларда берилаётганидек<sup>12</sup> «хабар» ва «айтилмиш/дейилмиш» каби бирор калька билан берилиши керак эди. Бизда эса маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат киритган бу туркона атама сақланди, ривожланди, кенг оммалашди.

Бевосита рус формал тилшунослиги таҳлил тамойиллари асосида ўзбек тили қурилиши талқинини беришни рус туркийшунослари А.К.Боровков, Н.К.Дмитриев, А.Н.Кононов, Е.Д.Поливанов, В.В.Решетовлар 1930-40-йилларда бошлаб берган бўлсалар, профессор Ғ.Юнусов, А.Ғуломов, У.Турсунов, Ф.Камолов, С.Иброҳимов, Ф.Абдуллаев, Ш.Шоабдурахмонов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, С.Усмонов, И.Расулов, А.Рустамов каби олимлар уни давом эттирдилар, жуда кўп илмий ишлар, юзлаб соҳа ва бўғинлар учун ўқув адабиётлари оммалаштириб, ўзбек формал тилшунослигини юксак тараққиёт

<sup>10</sup> Фитрат. Ўзбек тили коидалари тўғрисида бир тажриба. К.2.Наҳв.- Самарқанд. –Т.: Ўздавнашр, 1930.

<sup>11</sup>Сказуемое с грамм. хабар. Русско-таджикский словарь. Под ред. М.С.Асимова М.: Русский язык. 1985. – С. 113.

<sup>12</sup>ХАБАР...5) грам. Сказуемое предикат, Туркменско-русский словарь. Под общей ред. Н.А.Баскакова Москва. Изд. СЭ.1968. – С.679; Сказуемое. ср 1. грам.хабар Русско-азербайджанский словарь. Под ред. А.А.Оруджева.5-ое изд.Баку: Гл.ред.АзСЭ. Том 3.С.171.

чўққиларига – янги-янги илмий талқинлар учун моддий ва илмий замин бўла оладиган яхлит таълимот даражасига кўтардилар.<sup>13</sup>

Ўзбек формал тилшунослигида амалга оширилган тадқиқотлар асосида яратилган ўқув қўлланма, дарслик ва илмий грамматикага оид рисоаларда ҳам кесим, унинг мақоми, ифодаланиши, структур типлари талқинини кузатишлар шуни кўрсатадики, рус тили грамматик қурилиши талқини тамойиллари ўзбек тили грамматик қурилишининг формал талқини масалаларида ўз аксини тўлақонли топган, методологик асос вазифасини ўтаган. Бу тамойилларни умумлаштириб, қуйидагича изохлаш мумкин:

- 1) гап қурилиши талқинида «икки чўққили» назарияга асосланиш;
- 2) гапнинг бош бўлақлари сифатида «эга ва кесимни тан олиш»;
- 3) эгага мутлақ ҳоким бўлак сифатида қараш;
- 4) кесимнинг эгага мослашиши;
- 5) кесимга эгага тобеланувчи бўлак сифатида муносабатда бўлиш;
- 6) кесим талқинида содда гап қурилишига таяниш;
- 7) содда гапнинг икки бош бўлақли турига асосий эътиборни қаратиш.

Таҳлиллардан маълум бўладики, мазкур тамойиллар ўзбек тили гап қурилиши талқинида кесимнинг ўрни ва ролини белгилашда қатъий методологик омил сифатида қаралди.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида кесим ва унинг талқинида икки нисбатан тугалланган илмий талқинни – формал ва субстанциал ёндашиш асосида бу лингвистик бирликни ажратиш ва шарҳлашни кўриш мумкин. Ҳар иккала ёндашиш ҳам нисбатан тўлиқ, яъни кесимнинг моҳиятини аниқлашдан бошланиб берилган шарҳ билан кесимнинг хилма-хил воқеланишларини узвий боғлаш ва кесим иштирок этадиган ҳодисаларнинг моҳиятини шу асосда аниқлаш билан яқунланади.

Формал йўналиш гап қурилиши моҳиятини белгилашда оддий мантиқ тамойилларига асосланган. Шунинг учун гапда мутлақ ҳоким сифатида фикр (ҳукм) предмети (эга) олинган ва кесим ҳукм ҳақида ахборот берувчи қисм сифатида эгага тобе бўлак сифатида талқин этилган. Бошқача қилиб айтганда, кесим моҳиятан грамматик асосда эмас, балки информатив-мантикий асосда таърифланган. Шу боис, гап моҳияти содда гапнинг тузилиш турлари, қўшма гап табиати ва турлари ҳам бу йўналишда эга асосида белгиланган, кесимга деярли эътибор берилмаган. Формал таҳлилда кесимга таъриф ва илмий тушунча беришда асосан грамматик шаклланган содда гап таркибидаги кесимнинг хусусиятларига таянилган.

Ўзбек субстанциал тилшунослигида гапнинг таърифи, кесимнинг грамматик марказлик мақоми, бошқа гап бўлақларининг кенгайтирувчилик мавқеи, қўшма ва содда гапларни фарқлашда грамматик марказ тушунчасига таяниш каби тамойиллар ва ўзбек тили синтактик қурилишини илмий талқин

---

<sup>13</sup>Ўзбек формал тилшунослигининг босиб ўтган йўли, қўлга киритган ютуқлари, бу тилшунослик равнакига ҳисса қўшган заҳматқаш олимлар ҳақида қар. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.; Базарова Д., Шукуров Ш. Узбекское советское языкознание. – Т.: Фан 1988.; «Ўзбек тили ва адабиёти»журналида ўзбек тилшунослиги бўйича чиққан илмий мақолалар ва ахборотларнинг библиография кўрсаткичи (1958-2007 йиллар) Тузувчи Ж.Ҳамдамов. –Самарқанд: СамДУ. 2008.

қилишда, унинг туркона табиатини очишда фалсафий методологик асос вазифасини ўтади.

Диссертациянинг «**Инглиз тилшунослигида кесим ва гап назарияси**» деб номланган иккинчи бобида инглиз тилида кесимнинг ўрганилиши, кесим классификацияси, инглиз тилида содда ва қўшма гап таркибидаги кесим талқини, кесимнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги мустақиллик даврида яратилган таржима асарларида қўлланилиши, унинг таркиби кабилар тўғрисида маълумотлар берилди ва мисоллар таҳлил асосида ёритилди.

Инглиз тилида кесимга, унинг гапдаги асосий вазифасига бағишланган ишлар мавжуд бўлиб, уларда кесимга берилган таъриф ва таснифлар деярли бир хил. Асарларда келтирилган материалларда кесим эгага ўхшаб гапнинг бош бўлақларидан бири, унинг моҳияти эга билан бўлган муносабатда кўрилиши масалалари инглиз олимлари F.Ackerman, G.Webeihuth, Rose-Marie Anne Dechaine, L.Stassen, St.Muller, S.Rothstein, рус олимлари Е.Н. Зверова ва И.Г.Эбернинг илмий ишларида, В.Н. Жигадло, В.Л.Каушанская томонидан нашр қилинган дарсликларда ўз аксини топган. Икки асосий типнинг (яъни глагольное и именное сказуемое) мавжудлиги В.Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л.Иофик, В.Д.Аракин ҳамда Б.А.Ильиш каби соҳа олимларининг ишларида кўриб чиқилган, кесимнинг тузилиши жиҳатидан эса содда ва таркибли эканлиги Л.П.Винокурова, В.Н.Жигадло, Е.Н.Зверева ва И.Г.Эбер томонидан ўрганилган, содда ва қўшма кесим, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ва моҳиятини очиб берувчи манба муаллифлари Н.А.Кобрин, Е.А.Корнеева, В.Л.Каушанская, Б.А.Ильиш ҳисобланади. Содда ва мураккаблашган кесимга мукамал таъриф берган олим сифатида Л.С.Бархударовни айтиш мумкин. Шунингдек, баъзи адабиётларда «фезл-от кесим ёки контаминация ҳолатига учраган» шакли деб ажратилганлигини И.П.Иванова, В.В.Бурлакова, Г.Г.Почепцовлар томонидан яратилган дарсликда учратишимиз мумкин. Кесим ҳақида келтирилган бу қисқа маълумот кўп йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасидир.

Кесимни ўзбек ва рус тиллари материалларида қиёслаб ўрганган Р.Абдуллаева ҳамда инглиз ва ўзбек тиллари билан қиёслаган Ш.Ашуровлар ҳам бу масала юзасидан ўз фикрларини билдиришган. Қайд қилинган барча ишларда кесим формал ёндашув асосида таҳлил қилинган. Ш.Ашуров ўз тадқиқотида рус олими Л.М.Мухиннинг «гапнинг асосий ядроси кўпчилик олимлар таъкидлагандек, эга ва кесим бўлиб, улар ўртасидаги синтактик алоқа» дейилиши ҳақидаги фикрини қувватлаб қуйидагича ёзади: «Маълумки, кесим гапдаги предикативликни таъминловчи бош бўлақ ...» ва «Инглиз тилида бўлганидек, ўзбек тилида ҳам кесим тузилишига кўра икки хил бўлиши эътироф этилади.»<sup>14</sup>. Кўриниб турибдики, инглиз ва ўзбек тилларидаги кесим қиёслаб ўрганилганда ҳам формал тилшунослик тамойиллари асос қилиб олинди. Шуниси қизиқки, кесим типологияси дейилганда фақат қиёсланган тилларда кесим ўрнида унсурларнинг компонент таҳлил қилиш синтактик

---

<sup>14</sup>Ашуров Ш. Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси. Филол. фанлари номз. ...дисс. автореф. – Т.: 2007 – Б. 12.

алоқалари ва дифференциал синтактик белгиларини аниқлашни<sup>15</sup> назарда тутиш билан чегараланиш мумкинми? Бизнингча, проф. Ў.Юсуповнинг қиёсий типологияда муайян ҳодисани тилнинг барча қатламларида ўрганишда тадқиқотнинг мақсадига эътибор қаратиш лозимлиги<sup>16</sup> ҳақидаги фикри ҳамisha дастурамал бўлиши зарур.

Инглиз тилида кесимдаги шахс-сон шакллари грамматик шахслараро умумийлиги билан характерланади. Бу эса шахс-сон ноаниқлигини ҳамда ҳар доим эганинг иштирок этиши зарурийлигини келтириб чиқаради. Шунинг учун инглиз тилида эга гапни шакллантирувчи мутлақ ҳоким бўлак эмас, балки кесимдаги шахс-сон маъносини режалаштирувчи, мустаҳкамловчи, облигатор кенгайтирувчи сифатида баҳоланиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эга, субстанциал таҳлилга мувофиқ, кесимдаги атов бирлиги, яъни кесим вазифасидаги лексема, ибора каби луғавий маъносига эмас, балки ундаги кесимлик шакли – маъноси ноаниқ, мавҳум ва умумийлиги билан характерландиган шахс-сон шаклларига боғланади.

Тадқиқотнинг ушбу бобида формал тилшунослик нуқтаи назаридан ўзбек ва инглиз тилларида кесимнинг моҳияти, табиати ҳамда таснифида ўхшаш ва фарқли томонларнинг қиёсий таҳлили берилди. Туркий, жумладан, ўзбек ва славян тиллари оиласига кирувчи рус тили хусусиятлари қориштирилгани, рус тили орқали бошқа оилаларга кирувчи тиллар қолиплари ўзбек тилига ўн йилликлар давомида сингдирилгани олимлар илмий тадқиқотларига суянган ҳолда тадқиқ этилди. Шундай қолиплардан воз кечиб, ўзбек – она тили хусусиятларидан келиб чиқиб, тадқиқ ишларини олиб борган ўзбек субстанциал тилшунослиги вакиллари ютуқларига асосланган ҳолда иш кўрилди.

Тадқиқот объектими бўлган кесим ва гап, кесим шакллари ўзбек тилида мукамал ўрганилган. Ўзбек тилидаги қўшма гапларнинг айрим турлари мустақил ва номустақил кесим шакллари ёрдамида вужудга келиши таҳлил қилиниб, фактик материал тадқиқи уларнинг инглиз тилида ҳам фарқланишини кўрсатди. Кесимлик махсус морфологик категория сифатида кучли ривожланган ўзбек тилидагидан фарқли равишда инглиз тилида кесимлик маънолари мавжуд бўлиб, бу маънолар махсус грамматик категория воситасида эмас, балки турли сатҳлар бирликларининг мажмуидан ташкил топган кесимлик функционал-семантик майдони воситасида ифодаланади.

Эргаш гапли қўшма гапларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, эргаш гапларнинг кесимини шакллантирадиган аксарият замон категорияси кўрсаткичлари номустақил кесим шакли сифатида намоён бўлади. Бу эса инглиз тилида кесимлик шакллариининг агглютинатив тиллардагидек кучли ривожланмаганлиги билан боғлиқ.

Тадқиқотимизнинг «**Ўзбек ва инглиз тилларида кесим таркиби, кесим ва гапнинг лингвистик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида ўзбек тилидаги кесим ва унинг кенгайтирувчиларининг қиёсий тадқиқи, қўшма

<sup>15</sup> Ашуров Ш. Юқорида кўрсатилган манба. – Б. 12.

<sup>16</sup> Юсупов У. Проблемы сопоставительной лингвистики. Автореф. дисс... д-ра филол. наук М.: 1987.– с. 37.; Юсупов У. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. -Т.: Фан. 2007.-с.16..

гапларда номустиқил кесим шакллари, ўзбек тилидаги омонимик номустиқил кесим шакллариининг инглиз тилида берилиши, ўзбек ва инглиз тилларида кесим ва гапнинг изоморф ҳамда алломорф жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.


Синтактик қурилмани морфологик асосда, гап қурилиши белгиларини таъминлайдиган морфологик шакллар, морфологик категориялар асосида баҳолаш субстанциал ёндашувнинг ўзак тамойилларидан биридир. Зеро, гап маркази кесимнинг вазифасини ифодаловчи воситалар морфологик категория – кесимлик бўлиб, кесимлик шакллари ва маъноларисиз ва, шунингдек, кесимлик позициясисиз, гап ўз мақомига эга бўлиши мумкин эмас. Гап кесимидаги морфологик шакллар кўпинча шахс ва сонга ишора қилиб туради. Бунда айрим тилларда кўпинча эга ифодаланмаса (масалан, туркий тилларда) ва унинг ифодаланишига зарурат бўлмаса, бошқаларида эганинг ифодаланишига зарурат бўлиб, у шахс ва сонни мутлақ ифодалаш учун эмас, балки кесимдаги маълум даражада ноаниқ шахс ва сонни «муайянлаштириш, уни мустаҳкамловчи восита» мақомида намоён бўлади. Шунинг учун турли қурилишли тиллар кесимлик маъносини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан икки хил: а) облигатор (зарурий) мустаҳкамловчи; б) факультатив мустаҳкамловчи эга асосида фарқланади.

Факультатив мустаҳкамловчи лисоний сатҳда ўз ўрнига эга бўлади, бироқ у нутқда воқеланиши ҳам воқеланмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ўзбек тилида *Келдим* гапи ҳам *Мен келдим* гапи каби лисоний сатҳда факультатив эгаси мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бироқ нутқий шароит улардан фақат биттасини воқелантирган. Кўринадикки, туркий тилларда кесимликдаги шахс-сон шакли мустаҳкамловчининг, яъни эганинг воқеланишига кўп ҳолларда эҳтиёж сезмайди. Бироқ бу, турли қурилишли тилларда ҳар хил хусусиятга эга. Инглиз тилида кесимликдаги шахс-сон шакли ва маъноси ҳар бир муайян грамматик шахс доирасида маънони фарқлаб воқелантириш хусусиятига эга эмас, чунки инглиз тилида ҳам шахссиз ва шахсли феълларнинг фарқланиши шахс-сон шакллари орқали тусланишнинг мавжудлигини тақозо қилади. Эганинг облигаторлиги инглиз тилидаги гапларнинг субстанциал хусусиятини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Инглиз тилшуносларидан айримлари кенгайтирувчи атамасини қўлламай, бўлакнинг бўлаги атамасини қўллайдилар. Уларнинг фикрича, эга ва кесим гапни бевосита ташкил қилувчилар (непосредственно составляющие предложения), бошқа ҳамма гап бўлаклари эса гап бўлакларининг бўлакларидир (...членами членов предложения). Анъанавий ёки формал тилшуносликда «иккинчи даражали бўлаklar» деб аталувчи бирликларга эга ва кесим таркибига кирувчи, уларни ташкил қилувчи, яъни кенгайтирувчилар деб қаралди.<sup>17</sup>


Ушбу қўлланилаётган «кенгайтириш» атамаси шаклий структура учун аҳамиятли эканлигини таъкидламоқ лозим. Субстанциал ёндашув шаклдан вазифага келганлиги сабабли шаклий кенгайтирувчи воситага нисбатан кенгайтирувчи атамасини қўллайди. Аммо шаклий синтактик кенгайтириш ҳар

<sup>17</sup> Бархударов Л.С. Проблемы синтаксиса простого предложения современного английского языка. Автореф. ...д-ра филол. наук. М.: -1965. –с.25-26.; Колшанский Г.В Проблемы логического анализа структуры языка. Филол. фанлари д-ри... дисс. 1964.

доим маъновий торайиш ва муайянлашувни келтириб чиқаради. Шундан келиб чиққан ҳолда инглиз тилидаги эгани «субстанциал асосда кесимликдаги ноаниқ ва мавҳум моҳиятга эга шахс-сон маъносини муайянлаштирувчи облигатор кенгайтирувчи» сифатида таърифлаш мумкин. Бунда субстанциал ёндашув инглиз тилида қуйидаги ҳолатларни аҳамиятли деб билади:



Субстанциал ёндашув тамойилларига мувофиқ гапдаги барча кенгайтирувчилар иккига ажратилади<sup>18</sup>:



Иккинчи тип кенгайтирувчилар ҳам билвосита кесим маъносини муайянлаштириш учун хизмат қилади. Шу асосда инглиз тилидаги гапга субстанциал асосда «кесимлик шаклидаги сўзшакл, унинг бевосита /билвосита, облигатор (зарурий) ва факультатив формал кенгайтирувчилари системаси» дея таъриф бериш мумкин.

Турли тип қурилишли тиллардаги гапнинг умумлашма минимал қолипи фарқланади. Туркий тилларда, хусусан, кесимлик категорияси таркибидаги шахс-сон маъноси грамматик шахс нуктаи назаридан муайян бўлганлиги сабабли кесим эганинг ифодаланиш имкониятини факультатив қилиб қўяди.

<sup>18</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Курбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан ва технология, 2009. –414 б.

Шу боисдан туркий тилларда гап минимал қолипи [WP<sub>m</sub>] (кесимлик категорияси кўрсаткичлари билан шаклланган атов бирлиги) шаклида таърифланади ва гапга қуйидагича таъриф берилади: «Предложением можно называть словоформу в категориях сказуемости и ее распространители»<sup>19</sup>. Демак, бунда инглиз ва ўзбек тилларидаги гапларнинг субстанциал таърифдаги фарқ кенгайтирувчиларнинг хоссаларига таянади. Аниқроғи, туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида кенгайтирувчиларнинг факультативлиги гапнинг минимал қолипни [WP<sub>m</sub>] шаклида беришга асос бўлган. Ҳолбуки, гапнинг энг кичик қурилиш қолипи асосидаги нутқий гап йиғиқ гапга тенг келади.» Туркий тилларда эса, хусусан, ўзбек тилида гапни сўз ва сўз бирикмасидан фарқловчи махсус морфологик кўрсаткичлар тараққий этган. Гапнинг бу махсус морфологик кўрсаткичи кесимлик қўшимчалари, яъни кесимлик шакллари дир. Гап кесимлик қўшимчалари билан шаклланганлиги туфайли сўз ва сўз бирикмаларидан фарқ қилади. Зеро, энг кичик гап – морфологик шаклланган атов бирлигидир. Масалан, *Ёздим. Талабаман* гаплари ана шу [WP<sub>m</sub>] нинг ёрқин ва типик кўриниши бўлиб, ундаги *ёз* ва *талаба* қисмлари атов бирлиги, яъни W бўлса, *-дим* ва *-ман* формантлари морфологик шакллар, яъни қолипнинг [P<sub>m</sub>] қисмидир. Йиғиқ гапда ўзбек тили гап қурилишининг субстанциал моҳияти кўзга ташланади.»<sup>20</sup> Инглиз тилида эса эганинг мутлақ облигаторлиги ушбу қолипни бирмунча кенгайган шаклда беришни тақозо қилади: [E-WP<sub>m</sub>]. Бунда гап минимал қурилиш қолипнинг турли типдаги тиллар қурилишида фарқланиши кесимлик категорияси шакл ва маъноларининг онтологик табиати ва хусусияти ўзига хослиги билан белгиланади.

Ўзбек тилида кесимлик маънолари бўлган замон, шахс-сон, тасдиқ/инкор, майл/модаллик маънолари синкретик ёйиқ ёки тафсилий (аналитик) ифодаланиши мумкин. Ўзбек тилида кесимга хос бу маънолар инглиз тилида асосан тафсилий асосда берилади. Инглиз тилида шахс-сон маъносини ифодалаш учун ўзбек тилидан фарқли равишда эганинг қўлланиши шартлигини қайд этиш лозим. Ўзбек тилида эса эга таъкидланганда ёхуд кесимлик шакллари ноль кўринишда бўлган от-кесимли гапларда эга кесимдаги шахс актантини реаллаштирувчи восита сифатида намоён бўлади. Ўзбек тилида грамматик шаклланган гаплардаги кесимлардан фарқли равишда, семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар инглиз тилида ҳам шундай гаплар тарзида берилиши қайд этилди. Умуман олганда, семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар тиллараро универсал қонуниятларни ўзида кўпроқ акс эттирганлиги билан характерланади.

Инглиз тилидаги кесим кенгайтирувчиларининг субстанциал талқинини ёритар эканмиз, инглиз тилидаги гап кесимларнинг структур қолипни [WP<sub>m</sub>] шаклида белгилаймиз, шунда гапнинг структур бўлаклари ва бўлақларнинг бўлақларини фарқлаш имкони туғилади.

«Нутқий гаплардаги икки ҳодисани фарқлаш лозим:

<sup>19</sup>Нигматов Х., Абдуллаев К. и др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (Тезисы формально-функционального исследования) // Сов. тюркология. 1984, - № 5. – С.4.

<sup>20</sup>Юлдошева Н. Йиғиқ гапнинг формал-функционал талқини. Филол.фанлари номз...дисс. – Т.: 2009. – Б.60.

1) гап марказини ташкил этувчи сўздаги кесимлик категорияси шаклларига боғланувчи сўз;

2) гапда иштирок этаётган маълум бир сўзнинг маъновий валентлигини тўлдираётган сўз.

Булардан биринчиси гап кенгайтирувчиси бўлса, иккинчиси – сўз кенгайтирувчиси.»<sup>21</sup>

